

BAHODIR ABDURAHIM

CHORVACHILIKDA **FOYDA** QAYERDA?

90% chorvadorlar
qilayotgan **xatolar**
va **to'g'ri yo'l**



Баходир Абдурахим ўғли Абдураззоқ

ЧОРВАЧИЛИКДА ФОЙДА ҚАЕРДА?

МУҚАДДИМА

Чорвачилик — оддий иш эмас.

Ташқаридан қараганда оддий кўринади, ҳа. Қўй оласан. Боқасан. Сотасан. Тамом. Ҳеч қандай ҳунар талаб қилмайдиган ишдек.

Айнан шу ерда ҳаммаси бузилади.

Чунки чорвачилик — бу тизим. Ва тизимда ҳар бир қарор натижага уриб қайтади. Қайси йўналишни танладингиз. Қандай ҳайвон олдингиз. Қаерда боқаяпсиз, қандай боқаяпсиз. Ҳаммаси якунда ҳисобга қўшилади.

Ва бу ерда хатолар кечирилмайди.

Битта нотўғри қарор — бир неча йиллик меҳнатингизни йўқ қилади. Мен буни кўп кўрганман.

Одамлар чорвачиликка турлича киради. Бировга қўшимча даромад керак. Бировнинг бўш ҳовлиси бор. Биров эса шунчаки: *"Фалончи қияпти, мен нега қилолмаслигим керак?"* деб киради.

Кейин нима бўлади? Ҳайвонлар кутилгандек ўсмайди. Харажат ошиб боради. Бозор ўзгаради. Ва энг ёмони — қанча меҳнат қилса ҳам, натижа кўринмайди.

Охири битта гапга келади:

"Чорвачиликда фойда йўқ экан."

Йўқ, ҳурматли биродар. Фойда бор. Сиз нотўғри йўлда турибсиз.

Энг яхши ем ҳам — агар тизим нотўғри қурилган бўлса — фойда бермайди. Энг яхши парвариш ҳам — агар танлов нотўғри бўлса — натижани ўзгартирмайди. Асос тушунилмаган жойда — қанча ҳаракат қилсангиз ҳам, фақат вақт ва пул кетади.

Мана шунинг учун бу китоб — қўлланма эмас.

Бу ерда сиз **кўп боқишни** эмас, **тўғри боқишни** ўрганасиз. **Тез фойдани** эмас, **барқарор тизим** қуришни ўрганасиз. Ва энг муҳими — хатолардан қочишни ўрганасиз.

Биз бошидан охиригача ҳаммасини кўриб чиқамиз. Одамлар қаерда адашаётганидан тортиб, генетикагача, танловгача, фойдагача — ва ҳа, ҳалоллик масаласигача.

Чунки чорвачилик фақат пул эмас. Бу — масъулият. Узоқ муддатли.

Ва бу йўлда ютадиганлар кўп ишлаганлар эмас.

Тўғри тушунганлар.

I. БОБ: ЧОРВАЧИЛИККА КИРИШДАГИ ЭНГ КАТТА ХАТО

Одам чорвачиликка кирмоқчи бўлади. Биринчи хаёлига нима келади?

"Иккита қўй оламан. Битта қўчқор қўшаман. Ўз-ўзидан кўпаяди."

Қаранг — мантиқли кўринади. Табиат ўзи шундай қилади-ку. Қўй туғади, қўзи катта бўлади, пода кенгаяди. Инсон аралашмаса ҳам ишлайдигандек.

Йўқ. Ишламайди.

Бу — режа эмас. Бу — кутиш. Ва кутиш билан чорвачилик қурилмайди.

Чунки бу ерда аниқ мақсад йўқ. Ривожланиш тезлиги йўқ. Энг муҳими — иқтисодий ҳисоб йўқ.

Бир мисол билан кўрсатаман.

Сиз иккита она қўй олдингиз. Яхши шароит қилдингиз. Улар сизга йилига 1-2 та қўзи беради. Энди шу қўзиларни 6-8 ой боқасиз. Ем кетади. Вақт кетади. Жой банд. Меҳнат сизники.

Охирида қўлингизга нима келади?

Жуда кичик даромад. Кўпинча эса — харажатни ҳам қопламайди.

Бундан ташқари яна бир нарсa бор. Бундай кичик ҳажмда сиз нархни бошқара олмайсиз. Танловингиз йўқ. Жараённи тезлаштира олмайсиз. Яъни сиз — бозорда эмас, бозор сизнинг устингизда.

Вақт ўтади. Бир йил. Икки йил. Ва одам бирдан бир гапга келади:
"Бу иш фойда бермас экан. Бошқа иш қилганим яхши эди." Ва кетади.

Лекин нимани тушунмайди?

Муаммо чорвачиликда эмас эди.

Муаммо — бошида танлаган йўлида эди.

Ҳовли шароитида иккита она қўй боқиш — бу чорвачилик эмас. Бу — вақт кеткизиш. Иқтисодий жиҳатдан тўғри келмайди. Тизимли жиҳатдан ишламайди. Ҳайвон бундай жойда ўзини кўрсата олмайди. Сиз эса кутиб турасиз — натижа келмайди.

Энг ёмон жойи нимада?

Энг ёмон жойи шунда — бу йўл одамнинг ичидаги ишончни ўлдиради. Бошида катта умид билан кирган инсон, натижа кўрмагач, совийди. Кейин бутун соҳани нотўғри деб ҳисоблайди. Ва шу ерда — энг катта имкониятни қўлдан бой беради.

Ҳолбуки, тўғри қилинса — чорвачилик жуда катта соҳа.

Демак:

Чорвачиликка киришдаги энг катта хато — кичикдан бошлаш эмас. Нотўғри йўлдан бошлаш.

Бу икки гап ўхшаш кўринади. Лекин улар бутунлай бошқача.

Агар сиз бошиданоқ йўналишни аниқ қилсангиз, шароитингизга қараб танласангиз ва ҳисоб-китоб билан ҳаракат қилсангиз — вақт ютасиз. Хатоларни камайтирасиз. Натижани тезроқ кўрасиз.

Акс ҳолда — уч йил ишлайсиз, қирқ миллион кетказасиз, ва шундан кейин гапирасиз.

Танлов сизники.

II. БОБ: ЙЎНАЛИШ ТАНЛАШ — АСОСИЙ ҚАРОР

"Қайси йўналишни танлаш керак?"

Бу — чорвачиликка кираётган ҳар бир одам бериши керак бўлган савол.

Лекин кўпчилик бермайди. Енгил қарайди. *"Бошлай, кейин бир гап бўлар"* дейди.

Ва айнан шу ерда ҳаммаси бошланади.

Чорвачилик — бу тасодифий иш эмас. Бу ерда ҳар бир йўналишнинг ўз шароити бор. Ўз ёндашуви бор. Ўз натижаси бор. Бир йўл бошқасига ўхшамайди.

Энди бир нарсани айтиб қўяй — бу гап сизни қўрқитмасин. Ҳаммасини бошиданоқ билиш шарт эмас. Китобни ўқинг, йўлни танланг, ишни бошланг. Қолганини жараёнда ўрганасиз. Тажриба билан. Ўзингизни синаб.

Лекин **йўналиш** — бу сиз олдинроқ ҳал қилишингиз керак бўлган нарса.

Чунки нотўғри йўналиш танласангиз — қанча ҳаракат қилсангиз ҳам, натижа сизни қониқтирмайди. Ҳеч қачон.

Мана шунинг учун ишни бошлашдан олдин, биринчи қадам — **йўналишни аниқ белгилаб олиш**.

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Амалиётда чорвачиликда бир нечта йўналиш бор. Иқлимдан келиб чиққан. Муҳитдан келиб чиққан. Бозор талабидан келиб чиққан.

Бизнинг диёримизда бугун **бештаси** асосий. Қуйида бирма-бир кўриб чиқамиз.

1. ЯЙЛОВГА АСОСЛАНГАН ОНА ҚЎЙЧИЛИК

Сизда тоғли ҳудуд борми? Кенг яйлов борми? Чорванинг эркин юриши учун жой борми?

Бор бўлса — сизнинг йўлингиз аниқ. Она қўй боқинг. Урғочилар билан ишланг.

Бу йўналишда даромад қаердан? Қўзиларни туғдириб, 3-4 ойлигида сотишдан. Бу даврда қўзи она сутидан озиқланади, қўшимча ем деярли керак эмас. Яъни харажат — минимал.

Лекин шарт бор.

Бу йўналиш кичик миқдорда ишламайди. Айтиб қўяй — икки-учта она қўй билан бу йўлда ютмайсиз. Барқарор фойда олиш учун камида **200-300 бошдан** бошлаш керак. Айнан шу ҳажмдан кейин харажат ўзини оқлайди, тизим ишлайди, фойда сезила бошлайди.

Кўп дейилгандек туюлмасин. Бу — яйлов йўналишининг табиати.

2. БОҒ ВА МАЙДОНЛАРДА БЎРДОҚИЛИККА ТАЙЁРЛАШ

Сизда мевали боғ борми? Ёпиқ ёки ярим ёпиқ катта майдон борми?

Бор бўлса — бу йўл сизга мос. Яйлов йўналишига қўшимча сифатида.

Бу ерда нима қиласиз? Сутдан ажратилган қўзиларни сотиб оласиз. Уларни **10-12 ойлигигача** боқасиз. Кейин ҳовли шароитида бўрдоқилик қиладиганларга сотасиз.

Энг яхши натижа айнан шу ёшда чиқади. Ва энг арзон йўл ҳам — айнан шу шароитда. Чунки майдон ўзи назоратда, жараён ҳам. Қўшимча иш кучи керак эмас, қўшимча маблағ ҳам.

3. ҲОВЛИ ШАРОИТИДА БЎРДОҚИЛИК

Аҳолимизнинг кўпчилиги шу йўлда ишлайди.

Сизда ҳовли борми? Яйлов йўқми? Бўлмаса — йўлингиз аниқ.

Бу ерда нима қиласиз? Бир ёшга яқин қўзиларни оласиз. Гўшт йўналишида боқасиз. Вазн йиғдирасиз ва сотасиз.

Лекин бу йўналишда **бир нарса ҳал қилади: чорвани тўғри танлаш.** Нотўғри қўзи олсангиз — қанча боқсангиз ҳам, натижа чиқмайди. Ем зояга кетади.

Ва яна бир нарса. Бу йўлда ишлаганлар баъзан тўртинчи йўналишни ҳам умид қилади. Яъни қўзи катта бўлганда — қарайди: зотга ярайдими ёки йўқми. Яраса, бу аллақачон бошқа қиймат. Ярамаса — гўштга кетади.

4. ЗОТГА БОҶИШ (НАСЛ УЧУН)

Бу йўналиш бошқача. Узоқ. Сабр талаб қилади. Билим талаб қилади.

Бу ерда қўчқорни гўштга эмас — наслга боқасиз. Қачонгача? **18-24 ойлигигача**. Айнан шу ёшда қўчқор ўзининг энг юқори кўрсаткичини кўрсатади.

Мақсад — насл сифатини ошириш. Юқори қийматли ҳайвон етиштириш.

Осон эмас. Лекин тўғри қилинса — қиймат катта. Чунки зотдор қўчқорни биладиган она қўй эгаси кўп тўлашга тайёр. У сиздан *"неча кило гўшт беради?"* деб сўрамайди. У бошқа, нимани қидираётганини билади.

5. СЕЛЕКЦИЯ

Энг мураккаб йўналиш.

Бу ерда жамият талабидан келиб чиқиб, мавжуд насл яхшиланади. Ёки бутунлай янги йўналиш шакллантирилади.

Катта маблағ керак. Чуқур билим керак. Кўп вақт керак. Сабр керак.

Ҳамма учун эмас.

ЭНГ МУҶИМ ХУЛОСА

Кўпчилик чорвадор айнан шу босқичда хато қилади.

Улар ўзининг шароитини ҳисобга олмайди. Фақат битта савол беради: *"Қайси йўл фойдалироқ?"*

Ва шу ерда чалғийди.

Чунки бу — нотўғри савол. Тўғри савол бошқача:

"Менга қайси йўл мос келади?"

Бу икки савол бир-бирига ўхшамайди. Биринчиси — бозорга қарайди. Иккинчиси — ўзингизга.

Ва тўғри жавоб фақат иккинчисидан келади.

Агар сиз ўз шароитингизни рост баҳоласангиз, имкониятларингизни кўрсангиз, шунга мос йўлни танласангиз — сиз **ярим йўлни аллақачон босиб ўтган** бўласиз.

Чорвачиликда муваффақият кўп ишлашдан бошланмайди.

Тўғри танлашдан бошланади.

III. БОБ: ШАРОИТ ВА ҲАҚИҚАТ

Чорвачилик ҳақида гап кетганда, кўпчилик битта хатога йўл қўяди.

Бошқаларга қарайди.

Кимдир катта пода қилганини кўради. Кимдир тез пул қилганини эшитади. Кимдир бирор йўналишни мақтаб гапирди.

Ва қарор қилади:

"Мен ҳам шундай қиламан."

Мана шу ерда ҳаммаси бошланади.

Чунки чорвачиликда ҳамма учун битта тўғри йўл йўқ. Йўқ. Бу — факт.

Ҳар бир одамнинг шароити бошқача. Бировда кенг яйлов бор, чорва эркин юради. Бировда фақат ҳовли, жой тор. Бировда вақт кўп, маблағ кам. Яна бировда маблағ етарли, лекин вақт йўқ.

Ва айнан шу фарқлар натижани, ҳамма нарсани белгилайди.

КЎПЧИЛИК НИМАДА АДАШАДИ

Кўпчилик ўзига шундай савол беради:

"Қайси йўналиш кўпроқ пул келтиради?"

Ва шу савол асосида танлов қилади.

Нотўғри савол. Мутлақо нотўғри.

Чунки ҳар бир йўналиш — **тўғри шароитда** фойда беради. **Нотўғри шароитда** эса зарар келтиради. Ҳеч бир йўналиш ўзича фойдали ёки фойдасиз эмас. У шароитга қараб ишлайди.

Яйловсиз одам она қўй олса нима бўлади? Харажат кўпаяди. Хайвон тўлиқ ривожланмайди. Охирида фойда йўқ.

Акси — катта яйлови бор одам ҳовлида бўрдоқилик қилса?
Имкониятининг ярмидан кам фойдаланади. Ўсиш секин. Даромад
камаяди.

Икки ҳолатда ҳам йўналишнинг айби йўқ. Шароит мос келмаган.

ШАРОИТ — ЭНГ АСОСИЙ ОМИЛ

Муваффақиятнинг сири оддий:

Тўғри йўналиш + тўғри шароит = натижа.

Бу иккиси мос тушса — келади. Мос тушмаса — қанча ҳаракат
қилсангиз ҳам фойда йўқ.

Шунинг учун ўзингиздан рости билан сўрашингиз керак:

— Менда қандай жой бор? — Яйлов борми, боғ борми, фақат
ҳовлими? — Бу ишга қанча вақт ажрата оламан? — Маблағим қанча?
— Тез натижа хоҳлайманми, ёки узоқ муддатли тизим қурмоқчиманми?

Шу саволларга **ҳолис жавоб бермай** тўғри йўлни топиб
бўлмайди.

Қачонгача ақл билан ёндашмай, ишни шартта бошлаб, кейин
йўқотиб ўтирамиз?

Хатосиз бошлаш шунчалик қийинми?

ҲАҚИҚАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Баъзида ҳақиқат ёқмайди.

Кимдир она қўй боқишни хоҳлайди. Лекин яйлови йўқ. Ҳақиқат шу
— бу йўл унга мос эмас.

Ёки кимдир тез пул ишлашни истайди. Лекин танлаган йўли узоқ
муддатли. Ҳақиқат шу — натижа кеч келади.

Агар инсон бу ҳақиқатни қабул қилмаса — у доим норозиликда
яшайди. Ва доим айбдор қидиради. Бозорда. Давлатда. Бошқаларда.

Лекин аслида айбдор ким?

Ўзига рости айтмаган одам.

ЭНГ МУҲИМ ТУШУНЧА

Чорвачиликда муваффақият — **энг яхши йўлни танлаш эмас. Ўзингизга мос йўлни танлаш.**

Бу икки гап ўхшаш. Лекин бутунлай бошқача.

Агар сиз ўзингизни алдасангиз — имкониятингизни нотўғри баҳоласангиз, бошқаларга тақлид қилсангиз — сиз вақт йўқотасиз. Пул йўқотасиз. Ва энг ёмони — соҳага ишончни йўқотасиз.

Агар сиз шароитингизни рост кўрсангиз, ҳақиқатни қабул қилсангиз, мос йўлни танласангиз — барқарор натижага чиқасиз.

ХУЛОСА

Чорвачиликда муаммо кўпинча ташқарида эмас.

Ичкарида. Қарор қабул қилишда.

Тўғри қарор эса — **ҳақиқатни тан олишдан** бошланади.

IV. БОБ: НИМА УЧУН ҚЎЙЛАР МАЙДАЛАШДИ

Бозорга чиқиб қаранг. Кўриниш ачинарли. Қўйлар майда. Заиф. Пачоқлашган. Кўпчилик буни сезади. Лекин тушунмайди. Ёки тушунмоқчи эмас.

Аҳоли орасида шундай гапларни эшитиш мумкин:

"Аввалги қўйлар бошқача эди..."

"Ҳозиргилари майда, заиф, тез семирмайди..."

Тўғри гаплар. Лекин бу тасодиф эмас. Бу — йиллар давомида тўпланган хатоларнинг натижаси.

МУАММО ҚАЕРДАН БОШЛАНДИ

Авваллари она қўйлар яйловда боқилган. Эркин юрган. Хил-махил гиёҳларни ўзи териб еган. Табиий муҳитда ўсган.

Натижа? Мушаклари ривожланган. Вужуди соғлом. Насли кучли.

Кейин нима бўлди?

Қўйлар аста-секин ҳовлига кўчди. Яйлов ёпилди. Эркинлик кетди. Ва шу ерда ҳаммаси ўзгара бошлади.

ҲАРАКАТ ЙЎҚ — НАТИЖА ЙЎҚ

Ҳовлида ҳайвон ҳаракати кескин камаяди.

Аслида қўй доим ҳаракатда бўлиши керак. Нега? Чунки қон айланиши ҳаракатга боғлиқ. Айниқса ҳомиладор она қўйлар учун.

Яйловда ҳаракатланаётган қўй ўзига керакли гиёҳларни ўзи танлаб ейди. Бачадондаги қўзи эса шу қон орқали, шу гиёҳлардан озиқланади.

Ҳаракат бўлмаса — ривожланиш сустлашади.

Ва заиф қўзи туғилади.

Ҳисоб оддий.

ҚЎЧҚОР МАСАЛАСИ

Яна бир катта хато — қўчқорни ўз вақтида алмаштирмаслик.

Йиллар давомида нима қилдик? Қўшни пода, қўшни қишлоқ, қўшни тумандан қўчқор олиб келдик. Натижада бизнинг чорвалар бир-бирига **қариндош** бўлиб кетди.

Бунинг устига — нисбат ҳам нотўғри.

Тўғри тизимда 10-12 та она қўйга 1 та қўчқор керак. Амалда нима кўрамиз? 25 та. Баъзан 50 та қўйга 1 та қўчқор.

Биттаси кўпини қочира олади. Тўғри.

Лекин савол бошқа: **уруғ сифати нима бўлади?**

Қўчқор кучини йўқотади. Тўлиқ тикланишга улгурмайди. Уруғ кучсизланади. Ва насл сифати тушади.

Йиллар ўтиб — бунинг натижасини бозорда кўрамиз.

НОТЎҒРИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Бу — оғриқли мавзу.

Харажатни камайтириш учун қўйларга нима беришади? Қолдиқ овқат. Сифатсиз ем. Шаҳар жойида — ошхона чиқиндилари, ҳар хил аралашмалар.

Бунинг устига қўй хоналари кичкина. Пол қуриб улгурмасдан шилта ва нажасга тўлиб кетади. Қўй шу ерда ётади, шу ерда туради.

Натижада нима бўлади?

Касалликлар. Ички органлар тўғри ишламайди. Қон тозаланмайди. Ва энг сўнгги нуқта — гўшт сифати бузилади. Ғалати ҳид пайдо бўлади.

Истеъмолчи буни дарров сезади. Ва ундан воз кечади.

ЭРТА СЎЙИШ МУАММОСИ

Яна бир хато — қўзиларни жуда эрта сотиш.

Ҳайвон тўлиқ ривожланмаган. Мушак етишмаган. Гўшт асосан суяқдан иборат.

Ва кейин биз ҳайрон бўламиз: нега қўй гўшти бебарака бўлиб қолди?

Сабаб олдимизда. Лекин кўрмаймиз.

НАТИЖА НИМА БЎЛДИ

Ҳамма хатолар бир жойга тўпланди.

Қўйлар майда. Заиф. Паст сифатли.

Ва энг ёмони — **бозор ўзгарди**. Кўп истеъмолчи қўй гўшtidан воз кечди. Мол гўштига ўтиб кетди.

Бу — биз қурган тизимнинг якуний ҳисоби.

ЭНГ ХАВФЛИ ҲОЛАТ

Энг хавфли жиҳати нима, биласизми?

Одамлар бунга **кўникиб қолди**. Ҳозир кўпчилик шундай деб ўйлайди:

"Қўй шунақа бўлади."

Йўқ. Бу ёлғон.

Қўй бунақа эмас. Бу — қўйларнинг ҳақиқий ҳолати эмас. Бу — биз қурган **нотўғри тизимнинг натижаси**. Ва бу — бошқача бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Агар биз шу хатоларни давом эттирсак — вазият янада ёмонлашади. Яна бир неча йил. Яна бир авлод қўй. Яна паст сифат.

Лекин агар тўхтаб, сабабларни тушунсак, тизимни қайта қурсак — бу жараённи тўхтатиш мумкин.

Ва айнан шу ерда энг муҳим савол туғилади:

Агар муаммо шунчалик чуқур бўлса — уни қандай ҳал қиламиз?

V. БОБ: НЕГА ОДАТИЙ ЕЧИМЛАР ИШЛАМАЙДИ

Қўйлар майдаланиб кетгани ҳақида гап кетганда — кўпчилик бир хил йўл тутди. Муаммони кўради. Тўғри кўради. Лекин ечимни — нотўғри жойдан қидиради.

ОДАТИЙ ЁНДАШУВ

Энг кўп эшитиладиган гаплар:

"Ёмни яхшилаймиз."

"Витамин қўшамиз."

"Кўпроқ берамиз."

Буларнинг ҳаммаси фойдали. Баҳслашмайман.

Лекин савол шу: **етарлими?**

Жавоб ҳам оддий: **йўқ.**

НИМА УЧУН ЕТАРЛИ ЭМАС

Тасаввур қилинг. Сиз ҳайвонингизга энг яхши ем бердингиз. Ҳеч кимда йўқ шароит қурдингиз. Парваришни кучайтирддингиз.

Лекин натижа сиз кутгандек эмас.

Нима сабабдан?

Чунки ҳар бир ҳайвоннинг **ички чегараси** бор. Ва бу чегарани — ем белгиламайди, парвариш белгиламайди, шароит ҳам белгиламайди.

Буни — **генетика** белгилайди.

ЭНГ МУҲИМ ҚОНУН

Чорвачиликда оддий, лекин ўзгармайдиган бир қонун бор:

— **Парвариш натижани яхшилайти.** — **Генетика эса чегарани белгилайди.**

Агар генетика паст бўлса — сиз қанча ҳаракат қилманг, натижа чекланган бўлиб қолади.

Ва шу чегарадан ўтиб бўлмайди.

КЎПЧИЛИК ҚАЕРДА АДАШАДИ

Кўпчилик ташқи нарсаларга эътибор беради. *"Емда муаммо,"* дейди. *"Парваришда муаммо. Шароитда муаммо."*

Ҳаммаси ташқарида.

Лекин ҳақиқат кўпинча ичқарида. Генетикада.

Ва айнан шу ерни кўрмаслик — энг катта хато.

АМАЛИЙ МИСОЛ: ОЗУҚА

Озиқланиш ҳақида бугун жуда кўп маслаҳат бор.

Кимдир буғдой дейди. Кимдир арпа. Кимдир аралаш ем.

Ҳаммаси тўғри. Лекин асосий хато — **бир хил озуқага ёпишиб олиш.**

Бир муҳлисимиш қўнғироқ қилди:

"Қўйим буғдой емай қўйди."

Содда гап. Лекин орқасида муҳим нарса бор.

Мен сўрадим: *"Қанча вақтдан бери фақат буғдой берасиз?"*

"Икки ойдан бери," деди.

Мен унга шундай тушунтирдим:

"Тасаввур қилинг — сиз ҳар куни фақат ош ейсиз. Фақат ош. Бир ҳафта ейсиз. Ўн кун ейсиз. Кейин нима бўлади? Ошни кўрсангиз кўнглингиз айнайди-да. Қўй ҳам худди шунақа. Бу қўйнинг муаммоси эмас. Бу — сиз қилган хато."

Тушуниб қолди.

АМАЛИЙ МИСОЛ: ВАЗН

Яна бир мижозимиз қўнғироқ қилди:

"Қўзиларимнинг вазни ошмаяпти."

Мен ундан сўрадим: *"Ўзингиз неча килосиз?"*

"80 кило," деди у.

"Сўнги неча йилдан бери шу вазндасиз?"

"3-4 йилдан бери," деди у.

Шунда мен тушунтирдим:

"Сиз ўзингизга етарли миқдор еяпсиз. Шунинг учун вазнингиз ўзгармаяпти. Қўйда ҳам худди шундай. Миқдор ўзгармаса — натижа ҳам ўзгармайди."

Оддий. Лекин кўпчилик кўрмайдиган нарса.

ЭНГ МУҲИМ ХУЛОСА (ОЗИҚАДА)

Озиқлантиришда мураккаб формулалар керак эмас.

Керак бўлган нарса — **оддий тушунча.**

Озуқа турли бўлсин. Миқдор назоратда бўлсин. Ҳайвон ҳолатига қараб ўзгартирилсин.

Ҳаммаси шу.

Лекин...

АСОСИЙ МУАММО ҲАЛИ ҲАМ ҚОЛАДИ

Сиз тўғри озиқлантирингиз. Яхши шароит бердингиз. Хатоларни тузатдингиз.

Ва барибир — натижа чекланган.

Нега?

Чунки сиз фақат **ташқарини** тузатдингиз. **Ичкарини** эса — ўзгартирмадингиз.

ЭНГ ХАВФЛИ ҲОЛАТ

Одам кўпроқ пул сарфлайди. Кўпроқ ҳаракат қилади. Керак бўлса — кўпроқ вақт ажратади.

Лекин натижа ўзгармайди.

Ва бу — чарчатади. Охирида битта хулоса қолади:

"Чорвачилик фойда бермайди."

Ва шу ерда — яна бир одам соҳа ташлаб кетади.

ЯНА БИР ХАТО

Баъзилар бошқа йўл тутаяди.

"Ҳаммасини алмаштираман," деб бутун подани сотаяди. Янгисини олади.

Бу — энг қиммат хато.

Чунки муаммо бирданига ҳал қилинмайди. Алмаштириш — ечим эмас. Бу шунчаки янги пул сарфлаш. Ва кейин яна ўша муаммо қайтади.

ТЎҒРИ САВОЛ

Кўпчилик ўзига нотўғри савол беради:

"Қандай боқиш керак?"

Тўғри савол эса бошқача:

"Қандай генетика билан ишляпман?"

Бу иккиси орасидаги фарқ — бутун чорвачилигининг келажагини ҳал қилади.

БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Айнан шу жойда чорвадорлар икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ — ташқи омиллар билан курашадиганлар. Кўп ишлайди. Секин ривожланади. Баъзан умуман ривожланмайди.

Иккинчи гуруҳ — илдизни тушунганлар. Камроқ хато қилади. Тезроқ натижага чиқади.

Сиз қайси гуруҳдасиз?

ХУЛОСА

Агар сиз фақат емга таяниб ишласангиз — бир жойда қолиб кетасиз.

Агар сиз фақат парваришни кучайтирсангиз, лекин генетикани эътиборсиз қолдирсангиз — бир жойда қолиб кетасиз.

Лекин агар сиз генетикани тушунсангиз, тўғри танласангиз, ва устига тўғри парвариш қўшсангиз — **бутунлай бошқа натижа** кўрасиз.

Ва айнан шу ерда — китобнинг энг муҳим мавзуси бошланади:

ГЕНЕТИКА.

VI. БОБ: ГЕНЕТИКА — ҲАММАСИНИНГ АСОСИ

Чорвачиликда бир омил бор. Кўпчилик уни кўрмайди. Лекин у — энг катта таъсир қиладиган нарсаси.

Генетика.

Бу сўзни ҳамма эшитган. Лекин тушуниб етмаган. Ва айнан шу — кўп хатоларнинг сабаби.

ГЕНЕТИКА НИМА ЎЗИ

Оддий айтсам:

Генетика — бу ҳайвоннинг ички имконияти.

Қанчалик тез ўсиши. Қанчалик вазн йиғиши. Қанчалик чидамли бўлиши. Қандай насл бериши. Буларнинг ҳаммасини — генетика белгилайди.

Сиз ташқаридан нима қилсангиз ҳам — у фақат **ичкаридаги имконият доирасида** ишлайди.

Бу чегарадан ошиб бўлмайди.

ЭНГ МУҲИМ ҚОНУН

Чорвачиликда ўзгармайдиган бир қонун:

Парвариш имкониятни очади. Генетика эса имкониятни беради.

Агар имконият паст бўлса — уни очиб беришдан ҳам фойда йўқ. Очсангиз ҳам, ичи бўш чиқади.

ОДДИЙ МИСОЛ

Тасаввур қилинг. Сизда иккита қўзи бор.

Бири — кучли генетикага эга. Иккинчиси — заиф.

Сиз иккаласига бир хил ем берасиз. Бир хил шароит қурасиз. Бир хил парвариш қиласиз.

Натижа нима бўлади?

Фарқ барибир катта. Чунки **бошланғич нуқта** бошқача.

Биринчиси 80 килога чиқади. Иккинчиси 50 килода қолиб қолади. Ва сиз ҳеч нарса қила олмайсиз.

КЎПЧИЛИК ҚАЕРДА АДАШАДИ

Кўпчилик чорвадор ташқи кўринишга қараб танлайди. Ранги ёқди. Ҳажми катта кўринади. Боши чиройли.

Ва шу нарсалар асосида пул тўлайди.

Лекин етарли эмас. Чунки **ҳақиқий сифат — ичкарида**. Кўз билан кўриб бўлмайди.

ГЕНЕТИКА ҚАНДАЙ БУЗИЛДИ

Йиллар давомида нима қилдик?

Нотўғри танлов қилдик. Назоратсиз қочирдик. Қўчқорни вақтида алмаштирмадик.

Ва аста-секин — генетика ёмонлашиб кетди. Диёримизда.

Бу бир кунда бўлмади. Йиллаб давом этди. Авлод-авлод давом этди. Ва кейин бир кун — натижа очилиб қолди. Бозорга чиқсак, кўриб турибмиз: қўйлар аввалгидек эмас.

ЭНГ ХАВФЛИ ҲОЛАТ

Энг хавфлиси нима, биласизми?

Одамлар бунга ўрганиб қолди. *"Ҳамма қўйлар шунақа"* деб ўйлай бошлади.

Йўқ.

Ҳамма қўйлар шунақа эмас. Бу — қўйларнинг ҳақиқий ҳолати эмас. Бу — **биз қурган нотўғри тизимнинг натижаси.**

Ва шу икки гап орасидаги фарқ — ҳамма нарсани ўзгартиради.

ТЎҒРИ ЁНДАШУВ

Генетика билан ишлаш бир кунда натижа бермайди. Бу — босқичма-босқич жараён.

Тўғри йўл шундай:

— **Кучли қўчқор танлаш. — Уни тўғри ишлатиш. — Натижани кузатиш. — Ва кейинги босқичга ўтиш.**

Ҳамма. Бошқа сеҳрли формула йўқ.

Лекин шу йўлни изчил боссангиз — бир неча йилдан кейин подангиздаги фарқни ўзингиз ҳам танимайсиз.

ЭНГ КАТТА ИМКОНИЯТ

Генетика — энг катта муаммо.

Ва айнан шу пайтда — энг катта имконият.

Агар уни тушунмасангиз — у сизни орқага тортади. Йиллаб. Ва сиз нима сабабдан эканини билмай юрасиз.

Агар тушунсангиз — у сизни олдинга олиб чиқади. Бошқалардан ажратиб туради. Танлов сизники.

ХУЛОСА

Чорвачиликда ҳамма нарса ташқаридан бошланмайди. Ичкаридан бошланади.

Генетикасиз ишласангиз — фақат боқишга таяниб қолсангиз — сиз доим **чекланган натижа** оласиз.

Генетика устида ишласангиз — тўғри танласангиз, устига тўғри парвариш қўшсангиз — сиз **бутунлай бошқа даражага** чиқасиз.

Энди савол қолди:

Генетикани тушундик. Уни қандай қилиб тўғри ишлатамиз?

VII. БОБ: ГЕНЕТИКАДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ

Генетика муҳимлигини тушуниш — бу бошланиш.

Асосий савол эса бошқача:

Уни қандай ишлатамиз?

Ва айнан шу ерда кўпчилик яна хато қилади.

ЧЕТГА ТЎЛИҚ ТАЯНИБ БЎЛМАЙДИ

Бугун кўпчилик нима қиляпти? Четдан чорва олиб келади. Ташқи бозорга қараб ишлайди.

Ва шу билан тинчланяпти.

Лекин бир ҳақиқатни эслаб қўйинг. Бугун чегара очиқ. Эртага — ёпиқ. Бугун нарх битта. Эртага бутунлай бошқача. Қоидалар ўзгаради. Йўллар ёпилади. Ва сиз яна нолдан бошлашга мажбур бўласиз.

Бу — тизим эмас.

Бу — **қарамлик**.

ШАХСИЙ ТАЖРИБА

Кўп йиллар давомида мен Қирғизистондан қўзи ва қўчқор олиб келдим. Бўрдоқилик ва зот йўналишида ишлайдиганларга етказиб бердим.

Бошида нима бўлган?

Харидорлар нархни қиммат дейишарди. Баъзилар бурилиб кетарди.

Лекин вақт ўтди. Улар бу қўзиларни қўчқор ҳолатига етказгунча боқди. Ва кейин нима деди?

"Буни боқиб кўргач, маҳаллий қўзиларга қарагимиз келмай қолди."

Бу сўзларни мен жуда кўп эшитдим. Доимий мижозлардан.

Бу тасодиф эмас. Бу — генетиканинг иши.

ЛЕКИН МУАММО БОР

Ҳозир ҳам кўпчилик нотўғри йўлда кетяпти.

Баъзилар нима қияпти? Генетикаси аллақачон бузилган қўчқорларни катта пулларга сотиб оляпти. Ташқи кўринишга ишониб. Сотувчининг гапига ишониб.

Бошқалар эса бошқа йўл тутяпти. Қўйлар сифати ёқмагани учун бутун подани сотиб янгисини олмоқчи бўляпти.

Иккаласи ҳам — нотўғри ва хавфли йўл.

ЭНГ МУҲИМ ҲАҚИҚАТ

Катта пода урғочиларни алмаштириш билан ўзгартирилмайди. Тизимли ишлаш билан ўзгартирилади.

Бу гапни икки марта ўқинг.

ТЎҒРИ ЙЎЛ

Тўғри йўл қандай?

Маҳаллий урғочиларни сақлаб қолиш.

Нега? Чунки улар аллақачон маҳаллий муҳитга мослашган. Кучли иммунитет бор. Иқлимни билади.

Четдан келтирилган урғочи эса қийналади. Бизнинг ёз, бизнинг қиш, бизнинг сув, бизнинг ўт — ҳаммаси унга бегона. Ва шу ерда касаллик бошланади. Йўқотишлар бошланади.

Демак — урғочи жойида қолсин. Ўзгартириш керак бўлган нарса — **эркак томон.**

ЙЎНАЛТИРУВЧИ РЕЖА

Тўғри йўл шундай қурилиши керак. Мутахассис селекционерларга аниқ вазифа берилади:

1. Мутахассис селекционерлар аҳоли талабидан келиб чиқиб, четдан **кучли генетикали қўчқорлар** нусхаларини танлаб олиб келади.

2. Уларни сараланган маҳаллий ноёб урғочиларга қўшади. Туғилган қўзилардан энг яхшилари танлаб — кейинги босқич селекционерларга етказиб беради.

3. Кейинги босқичдагилар селекция натижаларини сақлаб қолади ва нусхаларни кўпайтиради.

4. Ундан кейингилар нархни арзонлаштириб, **зотдор қўчқорларни маҳаллий чорвадорлар учун** тайёрлайди.

5. Пода эгалари шу қўчқорларни олиб ўз подаларига қўшади. Ва ҳар йили подасини саралашдан ўтказади — қўйлар қонини босқичма-босқич ўзгартириш учун.

Бу — занжир. Ҳар бир ҳалқа ўзининг ишини билади. Ҳеч ким ҳаммасини бир ўзи қилмайди.

НАТИЖА

Шу усул билан **3-5 йил ичида** — қўйларимиз сифатини тубдан ўзгартира оламиз.

Шундан кейин нима бўлади?

Бўрдоқилик билан шуғулланадиганлар ташқи қўзиларга қарам бўлиб қолмайди. Ўзимизнинг подалардан сифатли қўзи олишга қайтади.

Ва ички тизим кучаяди. Пул ўзимизда қолади. Келажак — ўзимизнинг қўлимизда бўлади.

ЭНГ МУҲИМ ФИКР

Генетика билан ишлаш — **бир марталик харид эмас.**

Бу — **тизим.**

Агар сиз фақат қиммат селекционер қўчқорларига ошиқ бўлиб, биттадан иккитадан сотиб олиб юрсангиз, лекин тизим ичида ўзингизнинг ўрнингизни эгалламасангиз — натижа бўлмайди.

Тизим — якка пул билан қурилмайди. Тизим — ҳар ким ўз жойини билган пайтда қурилади.

ХУЛОСА

Тўғри йўл — четдан ҳамма нарсани олиб келиш эмас.

Энг яхшисини олиб келиб, ўз тизимингизни қуриш.

Агар сиз маҳаллий урғочиларни сақласангиз, кучли қўчқор ишлатсангиз, танловни тўғри қилсангиз — сиз **ўз генетикангизни** шакллантирасиз.

Ва бу сизни бошқа даражага олиб чиқади.

Энди савол қолади:

Ҳамма бу йўлни тушунадими? Ёки бу соҳада бошқа муаммолар ҳам борми?

VIII. БОБ: СЕЛЕКЦИЯ АТРОФИДАГИ ҲАҚИҚАТ ВА НОТЎҒРИ ТУШУНЧАЛАР

Бугун селекция ҳақида гап кетса — одамлар орасида икки хил фикр эшитамиз.

Биринчиси: **"Бу — энг юқори даража. Энг фойдали йўналиш."**

Иккинчиси: **"Бу — алдов. Фирибгарлик. Селекционерлар кўз-кўз қилиб бир-бирига қиммат нархда қўчқор сотиб юради холос."**

Ва мен аниқ айтаман — кўпчилик **иккинчи фикрга** яқинроқ туради.

НИМА УЧУН БУНДАЙ ФИКР ПАЙДО БЎЛГАН

Бу фикр ҳаводан пайдо бўлмаган.

Унинг орқасида реал тажрибалар бор.

Кўп одамлар катта пул тўлаб қўчқор ёки урғочи сотиб олган. Кутилган фойдани кўрмаган. Ва хулоса қилган:

"Ҳаммаси ёлғон экан. Фирибгарлик экан."

Ва шу гап одамдан одамга етиб борди.

ЛЕКИН ҲАҚИҚАТ БОШҚА

Муаммо — селекцияда эмас.

Муаммо — **селекцияни нотўғри тушунишда.**

Бу иккиси орасида катта фарқ бор. Ва шу фарқни кўрмаган одам, бутун соҳани айблаб юради.

СЕЛЕКЦИЯ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ

Аслида селекция — бозор талабига боғлиқ жараён.

Яъни жамият қандай ҳайвонни хоҳласа — селекция ўша томонга ишлайди. Бошқа йўқ. Ҳеч ким ҳаводан келиб янги насл ўйлаб топмайди. Ҳаммаси — талаб асосида.

ЗАНЖИР ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ

Бу жараённи тушуниш учун бутун занжирни кўриш керак. Бошидан охиригача:

1. Бозор (яъни жамият) — маълум параметрдаги қўчқорларни хоҳлайди.
2. Савдогарлар талабни сезади ва шу сифатдаги ҳайвонларни қидира бошлайди.
3. Савдогарларга етказиб берувчилар — чорвадорларга буюртма беради.
4. Чорвадорлар билвосита ёки бевосита катта пода эгалари билан ишлайди.
5. Катта пода эгалари паст ва ўрта даражадаги селекционерларга мурожаат қилади.
6. Ва ниҳоят — буюртма **энг юқори даражадаги селекционерга** етиб боради.

Бу занжир. Ва у тепадан пастга эмас — **пастдан тепага** ишлайди.

ЭНГ ЮҚОРИ НУҚТА

Энг кучли селекционер айнан керакли параметрларни чиқаради. Ва уни юқори нархда сотади.

Бу — нормал ҳолат. Алдаб сотяпти, деб ўйласангиз — адашасиз.

Чунки у билим сарфлаган. Вақт сарфлаган. Таваккал қилган. Йиллаб.

"НУСХА" ТИЗИМИ

Кейин нима бўлади?

Пастроқ даражадаги селекционерлар шу натижани такрорлай бошлайди. Яъни — **нусха** чиқаради. Ва уни анча арзон нархда сотади.

Кейин яна — ундан пастроқлар олиб яна нусха қилади. Яна арзонроқ сотади.

Ва шу йўл билан охир-оқибат оддий чорвадор ҳам шу йўналишдаги ҳайвонни ўзига мос нархда олади.

Бозор талаби қондирилади.

Тизим шундай ишлайди.

МУАММО ҚАЕРДА

Муаммо — бу тизимни тушунмаганларда.

Баъзилар энг юқори нуқтадан киришга ҳаракат қилади. Катта пулга ҳайвон олади. Лекин тизимда ўзининг қаерда туришини билмайди. Нима қилишини билмайди.

Натижада — зарар кўради.

Ва кейин нима дейди? *"Селекция — фирибгарлик экан."*

Йўқ. Фирибгарлик эмас. Сизнинг ўрнингизни нотўғри танлаганингиз учун.

ЯНА БИР МУАММО

Бозор доим ўзгаради.

Бугун бир параметр трендда. Эртага бутунлай бошқаси. Ярим йил олдин керакли бўлган нарса, бугун деярли қизиқарли эмас.

Агар сиз бу ўзгаришни тушунмасангиз — қиммат ҳайвон билан қолиб кетасиз. Сотиб бўлмайди. Бозор ўтиб кетган.

Бу ҳам — тизимнинг бир қисми. Ва кўпчилик буни ҳисобга олмайди.

ЭНГ МУҲИМ ҲАҚИҚАТ

Селекция — тез пул қилиш жойи эмас. Бу — чуқур тизим.

Бу гапни унутманг.

Тез пул излаб кирсангиз — йўқотасиз. Аниқ.

ХУЛОСА

Агар сиз тизимни тушунмай кириб кетсангиз, фақат нархга қараб қарор қилсангиз, тез фойда кутиб ишласангиз — катта эҳтимол билан **зарар кўрасиз.**

Агар тизимни тушунсангиз, ўз ўрнингизни билсангиз, босқичма-босқич ривожлансангиз — **селекциядан фойда кўрасиз.**

Ва айнан шу ерда яна муҳим савол туғилади:

Агар тизим бор бўлса — нега барибир барқарорлик йўқ? Нега бозор ҳамон беқарор?

IX. БОБ: БОЗОР, ЧЕГАРАЛАР ВА ҚАРАМЛИК

Чорвачилик ҳақида гап кетганда — кўпчилик фақат ички нарсаларга қарайди. Ем. Боқиш. Насл. Савдо.

Ҳаммаси тўғри. Лекин **бир катта омил** доим четда қолади:

Ташқи бозор ва чегаралар.

Кўринмайди. Лекин у — сизнинг ишингизни ҳар куни бошқаряпти. Ва сиз билмаслигингиз мумкин.

КЎРИНМАС ХАВФ

Бугун сиз четдан чорва олиб келяпсиз. Ҳаммаси яхши. Йўл очиқ. Нарх тушунарли. Савдо бўлиб турибди.

Лекин эртага нима бўлади?

Ҳеч ким аниқ айта олмайди.

Битта буйруқ билан чегара ёпилади. Экспорт чекланади. Янги қоидалар чиқади.

Ва сизнинг бутун тизимингиз — бир кечада издан чиқади.

БУ ФАКТ

Сўнгги йилларда биз буни **бир неча бор кўрдик.**

Қўшни давлатлар чорва экспортини чеклади. Квоталар жорий қилди. Бож ва солиқ тизимини ўзгартирди.

Расмий сабаб ҳар сафар бир хил эшителиди:

"Ички бозорда нарх ошиб кетмаслиги учун."

Мантиқли ҳам эшителиди. Лекин орқасида нима бор?

ҲАҚИҚИЙ НАТИЖА

Бу қарорлар нимага олиб келади?

Қўшни давлатларда ҳам, бизда ҳам — **кичик бизнес зарар кўради**. Ўрта тадбиркорлар сиқилади. Тизим беқарор бўлади.

Ва энг ёмони — ташқи бозорларга таяниб ишлаганлар **энг катта зарбани** олади.

Мен буни ўзим кўрдим. Бир неча марта. Ва энг ачинарлиси — биз ҳали ҳам хулоса чиқармаганмиз.

НИМА УЧУН БУ ХАВФЛИ

Агар сизнинг бизнесингиз **бошқа давлат қарорига боғлиқ** бўлса — сиз назоратни йўқотгансиз.

Бу оддий ҳақиқат.

Бугун сиз ишлайсиз. Эртага эса кимдир бир қоғозга имзо қўяди — ва сизга рухсат йўқ. Ҳаммаси тугади.

Бу — бизнес эмас. Бу — **таваккалчилик**.

Ва таваккалчиликни — бизнес деб ҳисобламаслик керак.

БОЗОРНИ БУЗАДИГАН ЯНА БИР ОМИЛ

Яна бир муҳим муаммо бор.

Тартибсиз кириб келаётган янги тадбиркорлар.

Кўпчилик харажатни тўлиқ тушунмасдан, бозорни билмасдан, соҳага кириб келади. Қирғизистонга боради. Ёки Қозоғистонга. Ёки Россияга.

У ерда нима қилади?

"Нарх шу экан" деб қимматга олади.

Сотувчи нима қилади кейин? Бир марта қимматга сотган. Энди арзон сотишни хоҳламайди. *"Бошқа келганлар ҳам шу нархга олиши керак"* дейди.

Натижада — бозор нархи **сунъий** ошади.

Кейин нима бўлади?

Янги тадбиркор мол олиб келади. Йўлда тўсиқлардан ўтиш учун икки баробар кўп ҳақ тўлайди.

Ва кейин тушунади — **фойда йўқ.**

Пулни чиқариб олиш учун **зарарига сотади.**

Ва шу — энг ёмони. Чунки бу пайтда **ички бозор ҳам бузилади.** Нархлар беқарор бўлади. Тизим издан чиқади.

Бир одамнинг билимсизлиги — бутун бозорга таъсир қилади.

ЭНГ МУҲИМ САВОЛ

Шундай шароитда савол туғилади:

Биз доим шундай яшаймизми?

Доим бошқаларга боғлиқ бўлиб турамизми?

ТЎҒРИ ХУЛОСА

Жавоб — **йўқ.**

Бундай яшаш мумкин эмас. Ва бунга кўникиш керак эмас.

Агар биз ўз чорвачилигимизни ривожлантирмасак — биз доим қарам бўлиб қоламиз. Бугун Қирғизистонга. Эртага Қозоғистонга. Келаси йили бошқа жойга.

Ва ҳар сафар — бошқа бировнинг қарори бизнинг ишимизни белгилайди.

Бу шундай давом этиши мумкин эмас.

НИМА ҚИЛИШ КЕРАК

Энг тўғри йўл — **ички тизимни қуриш.**

Бу нимани англатади?

— **Ўз чорваларимизни генетикасини шакллантиришимиз керак. — Подаларимизни кучайтиришимиз керак. — Ўз бозоримизни барқарор қилишимиз керак.**

Ким қилади буни?

Давлатга умид қилиб ўтирсак — яна кеч бўлади.

Бу — **бизнинг ишимиз**. Чорвадорларнинг иши. Ва бу иш бугун бошланиши керак.

ХАЛҚНИ ҚАНДАЙ ЖАЛБ ҚИЛАМИЗ

Бу тизим фақат катта тадбиркорлар билан қурилмайди. Бундай тизим **халқ билан** қурилади.

Лекин халқ ўз-ўзидан келиб қўшилмайди. Одамларни жалб қилиш керак. Қизиқтириш керак. Рағбатлаш керак. Ва энг муҳими — **мақсад** қўйиб бериш керак.

Буларсиз ҳеч ким ҳаракатга келмайди. Энг кучли восита эса — **кўргазмалар**.

Тасаввур қилинг. Ҳар йили ҳар бир вилоятда саралаш босқичи бўлиб ўтади. Энг яхши чорвадорлар аниқланади. Якунда — республика миқёсида катта кўргазма. Ғолиблар — чорвачилиқда ном қозонади.

Бу нима беради?

Рақобат. Ривожланиш. Сифат ошиши. Ва энг муҳими — селекция маданияти пайдо бўлади. Бизда йўқ бўлган нарса.

БИРЛАШИШ ЗАРУЛЛИГИ

Бундай тизим ўзича ишламайди. Бунинг учун биз **бирлашишимиз** керак. **Уюшма** керак. Чунки тизимни қуриш учун — бошқарув керак.

Кимдир буни режалаштириши, олиб бориши керак. Маблағ керак, мукофотлар бекорга келмайди. Бардавомлик бўлиши лозим. Бир йиллик ҳаракат тизимини қуришдан нима фойда? Доимий равишда иш олиб борилиши керак.

Якка одам буни қила олмайди. Бирлашганлар — қила олади.

ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Яна бир муҳим савол бор:

Биз қандай қўй етиштирмоқчимиз?

Бу саволга аниқ жавоб бўлмаса — ҳар ким ўзича ишлайди. Ва тизим бузилади.

Бугун қўшни давлатларда ҳам селекционерлар бир-бири билан келиша олмаяпти. Маълумотлар бир-бирига зид. Йўналишлар ҳар хил. Ва бу — ички зиддиятларга олиб келади. Соҳа секин ривожланади.

Биз шу хатони такрорламаслигимиз керак.

БИЗ НИМА ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

Бундай ҳолатда биз нима қилишимиз кераклигини тушунишимиз учун бизга **аниқ нарсалар** керак:

— **Аниқ мақсад.** — **Аниқ параметрлар.** — **Ягона йўналиш.**

Ва энг муҳими — бу йўл инсон хоҳишига эмас, табиий қонунларга мос келиши лозим.

Чунки биз ҳайвон билан ишлаймиз. Ҳайвон эса табиат ичида яшайди. Табиатга қарши иш — ҳеч қачон якунида фойда бермайди.

ХУЛОСА

Агар биз ташқи бозорларга таяниб яшасак, тизим қурмасак, бирлашмасак — биз доим беқарор бўлиб қоламиз. Ва бу — табиий.

Агар биз ички тизимни қуришга халқни жалб қилсак, аниқ йўналишда ҳаракат қилсак — биз **кучли ва мустақил чорвачиликни** қурамиз. Бу ҳам факт.

Танлов — бизнесники.

Ва шу ерда савол ўзгаради.

Энди гап фақат тизимда эмас:

Фойда қаерда?

Х. БОБ: ФОЙДА ҚАЕРДА

Чорвачилик билан шуғулланаётган одам доим бир саволни беради:

"Қўйчиликда фойда борми ўзи?"

Ва шу саволнинг орқасида — кўп аччиқ тажриба бор.

Кўпчилик шундай ўйлайди: тез айлантисанг — фойда. Тез сотсанг — фойда.

Лекин айнан шу ерда энг катта хато бошланади.

ОДДИЙ САВОЛ

Тасаввур қилинг.

Сизнинг фарзандингиз 12 ёшга кирди. Эндигина катта ўсишни бошлади.

Сиз уни шу ерда **тўхтатиб қўярмидингиз?**

Албатта йўқ.

Чунки ҳамма билади — инсон боласи 12 ёшдан кейин, 18-24 ёшгача **энг фаол ўсади**. Кучга тўлади. Шаклланади.

Бу оддий ҳақиқат. Ҳамма тушунади.

Лекин негадир биз айнан шу ҳақиқатни **чорвачиликда унутамиз**.

ЭНГ КАТТА ХАТО

Кўпчилик чорвадор қўзини 3-4 ойлигида олади. 8-9 ойлигида сотади.

Ва ўзига айтади:

"Тез пул қилдим."

Аслида нима бўляпти?

У энг қиммат даврни **қўлдан чиқаряпти**.

Кўрмасдан. Билмасдан. Ва бу ҳатто ўзига сезилмасдан.

ЭНГ МУҲИМ ДАВР

Қўзи ва қўчқорнинг энг катта ўсиш даври қачон?

12 ойдан 24 ойгача.

Айнан шу даврда мушак массаси кескин ошади. Тана тўлиқ шаклланади. Қиймати бир неча баробар ортади.

Бу — энг фойдали давр. Ва айнан шу даврни кўпчилик чорвадор **билмайди ёки кутмайди**.

НИМА УЧУН КЎПЧИЛИК ЕТИБ БОРМАЙДИ

Сабаб оддий:

— **Сабр етмайди. — Тушунча етмайди.**

Одам тез натижа хоҳлайди. Ва айнан шу хоҳиш — уни катта фойдадан айиради.

Тезлик алдайди.

МУҲИМ ТУЗАТИШ

Лекин шу ерда бир муҳим нарсa бор.

Бу фикр **ҳар қандай қўзига тегишли эмас.**

Чунки бугунги маҳаллий қўзиларнинг кўпчилиги — генетик жиҳатдан заифлашган. Уларни 12 ойдан кейин узоқ боқиш ҳар доим натижа бермайди. Тана ўсишдан тўхтаб қолади. Ем зояга кетади.

Айнан шу жойда кўпчилик яна адашади.

"Узоқ боқиш фойда бермайди" — деб хулоса қилади.

Лекин тўғри хулоса бошқача:

"Мен нотўғри генетика билан ишляпман."

Кўрдингизми фарқни? Биринчиси — соҳани айблайди. Иккинчиси — илдизни топади.

ҚАЧОН ФОЙДА ПАЙДО БЎЛАДИ

Агар сиз **кучли генетика** билан ишласангиз — вазият бутунлай ўзгаради.

Бундай қўзилар 12 ойдан кейин ҳам ўсишда давом этади. 24 ойгача максимал натижа беради.

Ва айнан шу даврда — **энг катта фойда** шаклланади.

Пул кетмайди. Пул кўпаяди. Вақт сизнинг томонингизга ишлайди.

ИККИ ЙЎЛ

Бу ерда сизда икки танлов бор.

Биринчи йўл — тез сотиш. Кичик фойда. Тез маблағ айланмаси. Ва... шу.

Иккинчи йўл — кутиш ва ўстириш. Катта фойда. Юқори қиймат. Ва — бошқа даража.

Биринчи йўл — ямоқ қилиш. Иккинчи йўл — қуриш.

Танлов сизники.

ЭНГ МУҲИМ ҲАҚИҚАТ

Чорвачиликда ҳақиқий фойда **тезликда эмас**.

Фойда — **вақтда ва тушунчада**.

Бу икки нарса бўлмаса, қанча ҳаракат қилсангиз ҳам — фойда йўқ. Яна бошқа жойда излайверасиз.

ХУЛОСА

Агар сиз қўзини эрта сотсангиз — энг қиммат даврини йўқотасиз. Ва кейин: *"Фойда йўқ экан"* дейсиз.

Агар сиз тўғри генетика билан сабр қилсангиз — энг катта қийматини оласиз. Ва айнан шу — **чорвачиликдаги ҳақиқий фойда**.

Энди савол қолади:

Қандай танлаш керак?

ХІ. БОБ: ҚАНДАЙ ТАНЛАШ — ЭНГ МУҲИМ ҚАРОР

Чорвачиликда кўп нарсани кейин тузатиш мумкин.

Лекин битта нарса бор. Уни бошида нотўғри қилсангиз — кейин тузатиш жуда қийин.

Танлов.

Кўп йиллар давомида мижозларимдан бир хил савол тушади:

"Нега сиз Қирғизистондан урғочи қўзи олиб келмайсиз?"

"Нега асосан қўчқорлар билан ишлайсиз?"

Бу оддий савол эмас.

Бу — **нотўғри йўл билан тўғри йўл ўртасидаги фарқ**.

БИРИНЧИ ҲАҚИҚАТ

Аввал ҳам айтганмиз: урғочи қўйлар яйловда боқилиши керак.

Лекин кўпчилик шундай дейди:

"Яйловим бор — демак урғочи оламан."

Бу ерда шошилманг.

Чунки бир нечта муҳим нарса бор. Ва уни билмасдан танласангиз — пул йўқотасиз. Ёки подангизни йўқотасиз.

1. МОСЛАШУВ МУАММОСИ

Чет элдан келган урғочи қўй — бошқа иқлимга мослашган.

Янги ҳудудга келгач — қийналади. Иммунитети тушади. Касалликлар кўпаяди. Ва йўқотишлар бошланади.

Бу — кутилган натижа. Кутилмаган натижа эмас.

2. САМАРАДОРЛИК

Тасаввур қилинг.

Битта **урғочи** олиб келсангиз — у сизга йилига 1-2 та қўзи беради.

Битта **қўчқор** олиб келсангиз — у сизга камида 10-12 та маҳаллий урғочидан қўзи беради.

Бир хил харажат. Бутунлай бошқа натижа.

Ахир четдан нима учун олиб келинади? **Насли учун.** Демак қўчқор билан ишлаш — тўғри йўл.

3. ИНВЕСТИЦИЯ

Қўчқор камроқ сармоя талаб қилади. Кам олиб келинади. Олиб келишга ҳам кам харажат.

Урғочига эса — кўпроқ харажат. Кўпроқ хавф. Ва кўпроқ йўқотиш.

Ҳисоб аниқ.

4. ИММУНИТЕТ

Энг муҳим жиҳатлардан бири.

Агар ота четдан, она эса маҳаллий бўлса — туғилган қўзи она сути орқали **маҳаллий иммунитетни** олади. Ва тез мослашади.

Бу — табиат ўзи яратган ишончли йўл.

5. ХАРАЖАТЛАР

Мослашмаган урғочилар кўп касал бўлади. Баъзилари ўлади. Бошқалари заиф кўзи беради.

Ва ветеринария харажати — ошиб боради.

Сиз пул тўлайсиз. Лекин натижа келмайди.

МАВСУМ ҲАҚИҚАТИ

Пода эгалари мавсумни жуда жиддий ҳисобга олади.

Совуқ ҳудудларда кўзилатишни баҳор охири ва ёз бошига режалаштиради. Кўзи мавсуми — ёзнинг чилласи чиқишида бошланади. Сутдан ажратилади ва сотила бошлайди.

Иссиқ ўлкаларда эса кўзилатишни қишга ва қиш чиқишига режалаштиради. Кўзи мавсуми — баҳорнинг ўртаси ва охирига тўғри келади.

Нега бундай?

Чунки соҳани яхши тушунганлар — **подадан тушган кўзиларни** олишга ҳаракат қилади. Онаси яйловда юрган кўзининг келажаги яхшироқ. Бу — факт.

Ҳовлида боқилган она қўй эса — кам ҳаракатли. Керакли гиёҳларни истеъмол қилмайди. Қўчқор билан дуч келган вақтда қочиб қолади. Ва одатда мавсумга қаралмайди.

Мавсумсиз туғилган кўзи — мавсумли туғилган кўзидан бошқача бўлади. Тана фарқи бор. Вазн фарқи бор. Сифат фарқи бор.

Бу фарқни тушунмаслик — сизни нотўғри қарорларга олиб боради.

Ва пулингиз ортидан келади.

XII. БОБ: ҲАЛОЛЛИК ВА БАРАКА — КЎРИНМАС АСОС

Чорвачиликда фойда қилиш мумкин.

Буни биз кўп йиллик тажрибада синаб кўрдик. Тизим бўлса — натижа чиройли бўлади. Генетика зўр бўлса — ўсиш ҳам зўр. Тўғри танлов бор жойда — фойда ҳам бор. **Ин Шаа Аллоҳ.**

Лекин шу ерда бир савол туғилади:

Ҳар бир фойда баракали бўладими?

Афсуски кўпчилик бу савол устида тўхтаб ўтирмайди.

Пул келди — демак ҳаммаси жойида, деб ўйлайди.

Лекин ҳаёт бошқа нарсани кўрсатади.

КЎРИНМАС ФАРҚ

Фойда — бир хил эмас.

Баъзи фойда бор: тез келади, тез кетади. Билмайсан ҳам қаерга кетади. Қўлда қоладиган нарса йўқ.

Баъзи фойда бор: секин келади, лекин баракали бўлади. Ва у — яшайди. Уйга киради. Болага ўтади. Ортидан яна яхшилиқ келади.

Бу фарқ кўз билан кўринмайди. Лекин натижада — билинади.

Баъзи одамлар кўп ишлайди. Кўп савдо қилади. Лекин барака кўрмайди. Пул келгандай бўлади, лекин йўқолади.

Бошқалар — камроқ қилади. Лекин **барака билан** яшайди.

Фарқ нимада?

Йўлда.

МУҲИМ МАСАЛА

Чорвачиликда кенг тарқалган ҳолатлардан бири — **қўчқорни насл учун пулга бериш.**

Кўпчилик буни оддий хизмат деб ҳисоблайди. *"Менинг қўчқорим — кучли. Бошқа одамнинг қўйига қўшаман, пул оламан. Нима ёмонлиги бор?"*

Лекин бу масалада аниқ огоҳлантириш бор.

Пайғамбаримиз ﷺ — эркак ҳайвонни насл учун ҳақ эвазига беришни қайтарганлар.

Бу — ўта жиддий масала.

Ва кўпчилик буни билмайди. Ёки билса ҳам — аҳамият бермайди.

НИМА УЧУН ТАҚИҚЛАНГАН

Уламолар бу ерда икки асосий сабабни келтиради.

1. Ноаниқлик.

Сиз пул оляпсиз. Лекин натижа номаълум — қўй бўғоз бўладими? Қўзи туғиладими? Ҳеч ким аниқ айтолмайди.

Демак сиз пулни — **аниқ нарсага** олмаяпсиз. Шариатимизда эса бундай ноаниқлик жоиз эмас.

2. Фойда табиати.

Бу ерда фойда — оддий хизмат эмас. Бу — наслга боғлиқ жараён. Ва у ижарага тўғри келмайди.

Бу икки сабаб — етарли.

МУҲИМ ФАРҚ

Кўпчилик шу ерда адашади. *"Бу йўл бутунлай ёпиқ эканми?"* деб ўйлайди.

Йўқ. Ёпиқ эмас.

Тақиқ — **пулга беришга** тегишли.

Лекин **бепул** қўйиб бериш мумкин. **Ҳадя** сифатида мумкин. Баъзи ҳолатларда **улуш** асосида ҳам мумкин.

Яъни шакл муҳим. Ният муҳим.

Ва айнан шу иккиси — пул билан ҳақиқат орасидаги фарқни белгилайди.

НИМА УЧУН БУ МУҲИМ

Кимдир айтиши мумкин:

"Бу кичик масала. Бунчалик чуқур қараш керакми?"

Лекин аслида — бу йўлни белгилайди.

Агар сиз кичик нарсаларда эътибор бермасангиз — катта нарсаларда ҳам муаммо чиқади.

Пул катта бўлганда яна бошқа чоралар топилади. Ҳалол ва ҳаром орасидаги фарқ сезилмай қолинади. Ва кейин тушунилади — йўл бузилган экан.

ЭНГ МУҲИМ ХУЛОСА

Чорвачиликда муваффақият — фақат тизим эмас. Фақат фойда эмас.

Бу — **йўл ҳам**.

Агар йўл тўғри бўлса — натижа баракали бўлади.

Агар йўл нотўғри бўлса — натижа узоқ турмайди.

Бу — қонун. Табиат қонуни эмас. Бошқа қонун.

АСОСИЙ ҚОИДА

Пул топиш қийин эмас.

Пулни **ушлаб туриш** қийин.

Барака эса — фақат тўғри йўлдан келади.

Ва айнан шу ерда биз китоб якунига яқинлашамиз. Лекин бу — якун эмас.

Чунки энг муҳим савол ҳали олдинда:

Биз бу билим билан нима қиламиз?

XIII. БОБ: ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ЙЎЛИ

Биз бу китоб давомида кўп нарсани кўрдик.

Хатоларни. Нотўғри тушунчаларни. Тизимсизликни.

Ва энг муҳими — **тўғри йўлни**.

Энди савол оддий:

Бу билим билан нима қиламиз?

БУГУНГИ ҲОЛАТ

Бугунги чорвачилик оддий эмас. **Босим остида**.

Ичкарида — сифат тушган, тизим бузилган, нотўғри ёндашувлар кўпайган.

Ташқарида — чегаралар ёпилади, экспорт чекланади, бозор ўзгариб туради.

Ва шу икки босим орасида — **оддий чорвадор қолиб кетган**. Қаерга боришни билмай. Кимга гапиришни билмай.

ЭНГ КАТТА ХАВФ

Энг катта хавф — кўникиб қолиш.

Агар биз *"шунақа бўлади"* деб яшасак — ҳеч нарсани ўзгартира олмаймиз. Яна бир авлод ўтади. Яна худди шу гаплар такрорланади.

Ва яна ҳеч нарса ўзгармайди.

ҲАҚИҚАТ

Лекин ҳақиқат бошқача.

Бу соҳа **тикланиши мумкин**. Кучли бўлиши мумкин.

Лекин бу — ўз-ўзидан бўлмайди. Кимдир келиб бизнинг ишимизни қилиб бермайди.

АСОСИЙ ЙЎЛ

Бизга **тизим** керак.

Генетикага асосланган. Шароитга мос. Барқарор.

Бировнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган тизим. Ёпилади-очилади деган ташвиши йўқ тизим.

Фақат шундай тизим — яшайди.

ХАЛҚНИНГ ИШТИРОКИ

Чорвачилик фақат йирик тадбиркорлар иши эмас.

Бу — халқ иши.

Агар халқ киришса — тизим пайдо бўлади. Қатнашмаса — ҳеч нарса ўзгармайди.

Бу — қонун.

Халқ кирмаса — бу соҳа юрмайди. Халқ қизиқмаса — тизим ишламайди. Ҳаммаси шу қадар оддий.

ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

Одамларни жалб қилиш учун **рағбат** керак.

Энг кучли восита — кўргазмалар.

Тасаввур қилинг. Ҳар йили Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида саралаш босқичлари ўтади. Ҳар вилоятда энг яхши чорвадорлар аниқланади ва мукофотланади.

Якунда — **пойтахтда Давлат миқёсида** катта кўргазма. Энг яхшиларнинг энг яхшилари аниқланади.

Бу нима беради?

— Рақобат. — Ривожланиш. — Сифат ошиши. — Ва энг муҳими — селекция маданияти.

Бизда йўқ бўлган нарса. Ва айнан шусиз соҳа ривожлана олмайди.

БИРЛАШИШ

Бундай тизим якка ҳолда қурилмайди.

Якка чорвадор бозорни ўзгартира олмайди. Нархни ушлай олмайди. Тизим қура олмайди.

Лекин **бирлашган чорвадорлар** — йўналишни ҳам, нархни ҳам, бозорни ҳам таъсир остига олади.

Бу — факт. Ва бошқа йўл йўқ.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧ

Биз бу китоб давомида муаммони тушундик. Сабабларни кўрдик. Ечимни билдик.

Энди савол ўзгаради:

Бу йўлни якка босиб ўтамизми? Ёки биргаликда қурамизми?

Биринчиси — эски йўл. Ёлғиз. Аста-секин. Ва кўпинча — йўқотиш билан.

Иккинчиси — янги йўл. Биргаликда. Тезроқ. Ва келажакли.

ТИЗИМ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ

Агар чорвадорлар бирлашса — катта куч пайдо бўлади.

Тасаввур қилинг: 1000 та чорвадор бирлашса — бу аллақачон бозор кучи.

Энди тасаввур қилинг: уларнинг ҳар бири яна бошқаларни жалб қилса — бу **бутун бир тизимга** айланади.

Бошланиши — кичик. Лекин ортидан келадиган нарса — катта.

АМАЛИЙ ЙЎЛ

Бундай тизимни қуриш учун оддий услуб керак.

— **Аъзолик тизими.** — **Номига кичик бадаллар.** — **Умумий жамғарма.**

Шу йўл билан бутун республика бўйлаб кўргазмалар, саралаш босқичлари, якуний мусобақалар ташкил қилиш мумкин.

Мураккаб эмас. Фақат керак — бошловчи ва давом эттирувчи қўл.

НАТИЖА

Бу нима беради?

— Оддий чорвадор ҳам майдонга чиқади. — Энг яхши қўйлар аниқланади. — Рақобат кучаяди. — Ва энг муҳими — одамда **қизиқиш** пайдо бўлади.

Қизиқиш бўлса — соҳа тирик. Йўқ бўлса — соҳа ўлик.

ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Бугун бизда **сунъий уруғлантириш** каби технологиялар бор.

Бу нимани англатади?

Битта кучли қўчқор — **минглаб урғочига** таъсир қилиши мумкин. Бир неча йил ичида эмас. Бир мавсумда.

Бу эса селекцияни кескин тезлаштиради.

Эски усул билан 10 йилда қилинадиган иш — янги усул билан 2-3 йилда қилинади.

Фақат — буни ишлатадиган тизим керак.

КАТТА МАҚСАД

Агар биз бирлашсак, тизим қурсак, тўғри йўналишда ҳаракат қилсак —

биз ўз чорвачилигимизни тиклаймиз.

Ва балки **янги насллар ҳам шаклланади.** Ўзимизнинг номимиз билан. Ўзимизнинг еримиздан чиққан.

Бу — орзу эмас. Мумкин.

ЭНГ МУҲИМ САВОЛ

Бугун ҳар бир чорвадор олдида танлов бор:

Эски йўл ёки янги тизим.

Эски йўл — бу тартибсизлик. Тасодиф. Ва кичик натижа.

Янги йўл — бу тушунча. Тизим. Ва катта натижа.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Чорвачиликнинг келажаги — **бугун қарор қилганларга** тегишли.

Агар сиз тушунсангиз, ҳаракат қилсангиз, тўғри йўлни танласангиз — сиз нафақат ўзингизни, балки **бутун соҳани** ўзгартирасиз.

Айнан шу — ҳақиқий натижа.

Энди савол:

Сиз бу йўлга қўшиласизми?

Сиз бу китобни охиригача ўқидингиз.

Бу оддий нарса эмас. Демак — сизда қизиқиш бор. Демак — сизда жавоб ҳам бор.

ХОТИМА: ЭНДИ НАВБАТ СИЗДА

Демак сиз оддий чорвадор эмассиз.

Сиз — **излаётган одамсиз.**

Энди сиз биласиз:

— Муаммо нимада. — Хатолар қаерда. — Ва тўғри йўл қаердан бошланишини.

Лекин шу ерда энг муҳим савол бошланади:

Бу билим билан нима қиласиз?

ИККИ ЙЎЛ БОР

Бугундан бошлаб сизда икки йўл бор.

1. Аввалгидек давом этиш.

— Ўзингиз билганча ишлаш. — Аста-секин ҳаракат қилиш. — Ва натижани кутиш.

Бу йўл хавфсиз кўринади. Лекин ҳақиқатда — у сизни жойингизда ушлаб туради.

2. Янги йўлни танлаш.

— Тизим билан ишлаш. — Тушунча билан ҳаракат қилиш. — Ва бошқалар билан бирлашиш.

Бу йўл осон эмас. Лекин натижа — айнан шу ерда.

НИМА УЧУН БИРЛАШИШ КЕРАК

Чорвачилик — якка одамнинг иши эмас.

Якка чорвадор:

— Бозорга таъсир қила олмайди. — Нархни ушлаб тура олмайди.
— Тизим қура олмайди.

Лекин бирлашган чорвадорлар:

— Бозорни ҳам. — Нархни ҳам. — Йўналишни ҳам.

Ўзгартира олади.

АМАЛИЙ ЕЧИМ

Шу сабабли:

Чорвадорлар бирлашиши керак.

Бу шунчаки гап эмас. Бу — **зарурат.**

Биз айнан шу мақсадда — чорвадорларни бирлаштириш йўлини бошладик.

НИМА БЎЛАДИ КЕЙИН

Агар етарли одам бирлашса — бутун республика бўйлаб:

— Вилоят босқичлари. — Саралаш тизими. — Ва якуний катта кўргазмалар.

Йўлга қўйилади.

Бу орқали:

— Ҳар ким ўз даражасини кўради. — Энг яхши чорвалар аниқланади. — Ва селекция тезлашади.

ЭНГ КАТТА ИМКОНИЯТ

Тасаввур қилинг.

Оддий чорвадорнинг қўйи ҳам — **соврин ютиши мумкин.**

Бу эса бутун халқни ҳаракатга келтиради. Ҳар ким ўзининг қўйига, ўзининг ишига, бошқа кўз билан қарай бошлайди.

Ва шу — энг катта ўзгариш.

КИМЛАР УЧУН БУ ЙЎЛ

Бу йўл — тез пул истаганлар учун эмас.

Бу йўл:

— **Тушуниб ишлайдиганлар** учун. — **Сабр қиладиганлар** учун.
— **Тизим қурмоқчи бўлганлар** учун.

ОЧИҚ ГАП

Агар сиз:

— *"Ўзим биламан"* десангиз. — Қоидаларга бўйсунитишни хоҳламасангиз. — Фақат тез фойда изласангиз —

Унда бу йўл сиз учун эмас.

Ва бу — сиз учун ҳам, биз учун ҳам яхшироқ.

ЛЕКИН АГАР СИЗ...

Агар сиз:

— Ўрганишга тайёр бўлсангиз. — Бирлашишга тайёр бўлсангиз. —
Ва бу соҳада ўсишни истасангиз — Унда сиз **бу йўлга мос одамсиз**.

Ва бизнинг навбат сизни кутмоқда.

ЯКУНИЙ САВОЛ

Энди ҳаммаси оддий:

Сиз ташқарида турасизми?

Ёки: **Тизим ичига кирасизми?**

ҚАРОР

Чорвачиликнинг келажаги — **қарор қилганларга** тегишли.

Ва бугун — қарор куни. Агар сиз бу йўлни танласангиз — кейинги қадамни қўйинг ва ҳаракатни бошланг.

Агар сиз бу ерга етиб келган бўлсангиз, демак:

— Сиз оддий ўқувчи эмассиз. — Сиз ҳаракат қилишга тайёр одамсиз.

Энди савол: **қаердан бошлайсиз?**

1-ҚАДАМ: АЛОҚА

Биринчи қадам — **биз билан боғланиш.**

Бу орқали сиз:

— Тизим ҳақида тўлиқ маълумот оласиз. — Қандай ишлашни тушунасиз. — Ва кейинги қадамни аниқ билиб оласиз.

2-ҚАДАМ: ТУШУНЧА

Сиздан талаб қилинади — **шошилмаслик.** Аввал — тушунасиз. Кейин — қарор қиласиз. Чунки бу — тез пул эмас.

Бу — **тизим.**

3-ҚАДАМ: ҚАРОР

Агар сиз:

— Тайёр бўлсангиз. — Тушунган бўлсангиз. — Ва бу йўлни танласангиз унда сиз **тизимга қўшиласиз.**

4-ҚАДАМ: ҲАРАКАТ

Шундан кейин сиз оддий чорвадор бўлиб қолмайсиз.

Сиз:

— Тизим ичида ишлайсиз. — Ривожланасиз. — Ва бошқалардан ажралиб чиқасиз.

МУҲИМ ЭСЛАТМА

Бу йўл — ҳамма учун эмас. Бу йўл — **масъулиятли одамлар** учун. Шунинг учун қарорни — ўйлаб қабул қилинг.

БОҒЛАНИШ

Биз билан боғланиш учун: **Телефон:** +998 97 404-24-00

Telegram / WhatsApp: шу рақамга ёзинг.

Канал: <https://t.me/chorvador.uz>

Уюшма: https://t.me/chorvadorlar_uyushmasi

Боғланганингиздан кейин кейинги қадамлар тушунтирилади.

МУНДАРИЖА

	МУҚАДДИМА	3
1.	I. БОБ: ЧОРВАЧИЛИККА КИРИШДАГИ ЭНГ КАТТА ХАТО	4
2.	II. БОБ: ЙЎНАЛИШ ТАНЛАШ — АСОСИЙ ҚАРОР	6
3.	III. БОБ: ШАРОИТ ВА ҲАҚИҚАТ	9
4.	IV. БОБ: НИМА УЧУН ҚЎЙЛАР МАЙДАЛАШДИ	11
5.	V. БОБ: НЕГА ОДАТИЙ ЕЧИМЛАР ИШЛАМАЙДИ	14
6.	VI. БОБ: ГЕНЕТИКА — ҲАММАСИНИНГ АСОСИ	18
7.	VII. БОБ: ГЕНЕТИКАДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ	21
8.	VIII. БОБ: СЕЛЕКЦИЯ АТРОФИДАГИ ҲАҚИҚАТ ВА НОТЎҒРИ ТУШУНЧАЛАР	24

9.	IX. БОБ: БОЗОР, ЧЕГАРАЛАР ВА ҚАРАМЛИК	27
10.	X. БОБ: ФОЙДА ҚАЕРДА	31
11.	XI. БОБ: ҚАНДАЙ ТАНЛАШ — ЭНГ МУҲИМ ҚАРОР	33
12.	XII. БОБ: ҲАЛОЛЛИК ВА БАРАКА — КЎРИНМАС АСОС	37
13.	XIII. БОБ: ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ЙЎЛИ	40
	МУНДАРИЖА	48

БАҲОДИР
АБДУРАХИМ ЎҒЛИ АБДУРАЗЗОҚ
ЧОРВАЧИЛИҚДА ФОЙДА ҚАЕРДА?
ТОШКЕНТ - 2026